



Холдор Вулкон

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг аъзоси



Рўза муборак!

Ёшликда рўза ойи келиши биланок кишлогимиз болалари гала гала бўлиб шом коронгусида рамазон айтиб юрардик.Тўртта бола пахта терадиган этакнинг тўрт учидан ушлаб олдинда юрар, колганларимиз ортда, хеч кимдан уялмай кўчани бошимизга кўтариб, рамазон айтардик.

***Рамазон ё рамазон эшигинга байрам озон!
Рамазон айтиб келдик эшигинга!
Худойим ўгил берсин бешигинга!
Рамазон айта айта хоридимо!
Соколим чикмай туриб каридимо!***

У вақтлар дорвозалар тамбаланмас, биз тўғри одамларнинг ховлисига кириб бориб, ёруғ шуъла ёгилиб турган пастак дераза ойналари, ё эшик олдида, то уй эгаси жонидан тўйиб уйдан чикмагунча, нимадир бермагунча баралла бакириб, жўр бўлиб рамазон айтаверар эдик.

Шундай окшомлардан бирида бир махалладошимиз бизни алдаб, коронгуда этакка нимадир ташлади.

Бизга у нарса обиновот ковундай туюлди. Шундан кейин биз халиги кимсани дуо килиб, кўчага чикдик. Симёгочда порлаб турадиган кўча чирोगи остига бориб, бундай карасак, этакда ковун эмас, гувала ётган экан.

Гох газабимиз кўзгаб аблах кимсани болахонадор килиб сўксак, гох гувалага караганимизча ўзимизни тутолмай кулдик.

Шу махал кимдир гувалани шартта олиб, килиги совук кимсанинг уйига карата кулочкашлаб отиб юборди.

Гувала пахса девор оша ховлига учиб ўтаркан, кутилмаганда "дуп!" этган товуш ва "их!" деган овоз эшитилди.

Гувалак нишонга, яъни зикна одамнинг калласига беҳато теккан эди.

Шу махал ўз гуваласи ўзига кайтиб келган аламзада кимса занжирда ётавериб озиб, туллаб кетган "Кораш" деган копогон итини кўйиб юборса бўладими.

Ура кочдик.

Аmmo "Кораш" Шахоб деган дўстимизни кувлаб етиб, оёгини гажиб кўйди.

Ўша кеч Шохобни елкамизда кўтариб, уйига элтиб кўйганмиз.

Саяк юрган таяк ейди деб жуда топиб айтган экан эски ота буваларимиз.

Рўза муборак, азиз Ватандошлар!

30/05/2017.

Тунги соат 10:57.

Канада, Онтарио.



